



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2020 йил — ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2020 йил 17 октябрь, № 219 (7721)

Шанба

Сайтмига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ЭЛЧИЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛД

«Кўксарой» қароргоҳида 16 октябрь куни хорижий давлатларнинг мамлакатимизга янги тайинланган элчиларидан ишонч ёрлиқларини қабул қилишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Араб Амирликлари, Эрон Ислом Республикаси, Украина, Италия Республикаси, Исроил Давлати, Покистон Ислом Республикаси ва Ҳиндистон Республикасининг мамлакатимиздаги фавқуллодда ва муҳтор элчилари Саид ал-Қамзий, Хамид Найрободий, Николай Дорошенко, Агостино Пинна, Зеҳавит Бен Хиллел, Саид Али Асад Гилоний ва Маниш Прабхатдан ёрлиқларни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари элчиларни Ўзбекистондаги дипломатик фаолиятини бошлагани билан самимий табриклаб, уларга икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш ва кўп қиррали ҳамкорлиқни кенгайтириш борасидаги шарафли ва масъулиятли вазифада катта муваффақиятлар тилади.

Президентимиз ўз нутқида мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик янгиланишлар ва ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, жумладан, коронавирус инфекцияси глобал миқёсда тарқалишининг оқибатларини енгиб ўтиш бўйича қўрилатган инқирозга қарши чоралар дастурига алоҳида тўхтади.

Ўзбекистон ўзаро ишонч ва ҳурмат, тенг ҳуқуқлиқ ва манфаатларни ҳисобга олиш, очкиқлик ва яхши қўшничилик тамойиллари асосида конструктив ва прагматик ташқи сиёсатни олиб боришда қатъий экани қайд этилди.

Марказий Осиё давлатлари, Россия Федерацияси, Хитой Халқ Республикаси, Америка Қўшма Штатлари, Европа мамлакатлари, Осиё — Тинч океани минтақаси, Яқин Шарқ ва Жанубий Осиё давлатлари билан кўп қиррали алоқалар ва шериклиқни мустаҳкамлаш устувор йўналиш экани таъкидланди.

Айни пайтда иқтисодий дипломатияни илгари суриш — савдо ва инвестициялар, юқори технологиялар ва инновациялар, рақамлаштириш, транспорт ва логистика, банк-молия каби муҳим йўналишларда ҳамкорлик қилишга катта эътибор қaratилмоқда. Бундан ташқари, халқаро ташкилотлар ва молиявий институтлар доирасидаги изчил ва сермахсул ҳамкорлик мамнуният билан қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти янги элчилар вакиллик қилаётган давлатлар раҳбарларига Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бош органларидан бири —

Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашда мамлакатимиз аъзолигини қўллаб-қувватлагани учун миннатдорлик билдирди. Ушбу тарихий воқеа юртимизда ҳуқуқни ҳимоя қилиш соҳасида эришилган муваффақиятларнинг халқаро миқёсдаги кенг эътирофидир.

Тадбирда давлатимиз раҳбари дипломатларга мурожаат қилар экан, тегишли хорижий шериклар билан икки томонлама алоқаларнинг асосий йўналишлари ва истиқболларини қайд этди.

Хусусан, мамлакатимизнинг Бирлашган Араб Амирликлари билан аънаваный дўстона ва яқин муносабатлари олий даражадаги мунтазам мулоқотлар тўғрисидаги принциплар жихатдан янги босқичга кўтарилгани таъкидланди.

Бугунги кунда “Masdar”, “Mubadala”, “DP World” компаниялари, Абу-Даби тараққиёт фонди ва бошқалар иштирокида умумий қиймати 4 миллиард долларлик қўшма инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш фаол паллага кирди. Улар мўқобил энергетика, инфратузилма, кимё тармоғи, қишлоқ хўжалиғи, транспорт-логистика соҳаларини қамраб олган.

Давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш соҳасида дастурлар ҳамда Орол-

бўйида ижтимоий аҳамиятли лойиҳалар бажарилмоқда.

Ўзбекистон Эрон билан ҳамкорликдаги катта салоҳиятни рўёбга чиқаришдан манфаатдор экани билдирилди.

Президентлар икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни кенгайтиришга катта эътибор қаратаётгани таъкидланди.

Товар айирбошлашни ошириш учун қўлай шaroитлар яратиш, саноат ва қишлоқ хўжалиғида кооперация лойиҳаларини амалга ошириш, Эрон бандаргоҳлари орқали юк ташишларни ташкил этиш масалалари, айниқса, долзарбдир. Бундан ташқари, хавфсизлик соҳасида мунтазам мулоқот олиб боришмоқда.

Украина мамлакатимизнинг аънаваный ҳамкоридир. Шавкат Мирзиёев кейинги йилларда икки томонлама муносабатларда фаоллашув кузатилаётганини таъкидлади. Товар айирбошлаш ҳамжи ортмоқда, муҳим иқтисодий ва гуманитар дастурлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бир қаторда, экспорт-импорт, машинасозлик, электротехника, фармацевтика, тўқимачилик ва аграр тармоқларда, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида амалий ҳамкорлиқни янада кенгайтириш истиқболлари мавжуд.

Улкан иқтисодий ва маданий салоҳиятга эга Италия мамлакатимизнинг Европа Иттифоқидаги асосий шерикларидан бири. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, икки томонлама муносабатлар ва кўп томонлама ҳамкорлиқни, жумладан “Италия — Марказий Осиё” вазирлар учрашувлари форматига ва халқаро ташкилотлар доирасида мустаҳкамлаб бориш зарур.

Савдо-иқтисодий йўналишда Италиянинг етакчи компаниялари билан металлургия, қишлоқ хўжалиғи, қурилиш материаллари тармоғи ва бошқа соҳаларда муҳим кооперация лойиҳалари амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, умумий қиймати қарийб 5 миллиард долларлик истиқболли қўшма лойиҳалар портфели тайёрланмоқда.

Гуманитар соҳада олий таълим ва маданий алмашинув борасида муҳим дастурлар илгари сурилмоқда.

Ўзбекистон ва Исроилни аънаваный шериклик муносабатлари яқиндан боғлаб туради. Конструктив сиёсий мулоқотни ривожлантириш, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва илмий-техник алоқаларни фoлoлаштириш ҳамкорлиқнинг устувор йўналишлари сифатида қайд этилди.

Юқори технологиялар, энергия ва ре-

сурсларни тежовчи ечимларни жорий этиш, қишлоқ хўжалиғи, фармацевтика ва тиббиёт, таълим, туризм соҳаларида кооперацияни кучайтириш такиф этилди.

Олий даражадаги учрашувлар ҳамда сиёсий маслаҳатлашувларни мунтазам ўтказиш, икки томонлама Ҳукуматлараро комиссия фаолиятини бошлаш ушбу мақсадларга хизмат қилади.

Ўзбекистоннинг Покистон билан кўп қиррали ҳамкорлиғи изчил ривожланмоқда. Бугунги кунда мамлакатларимиз халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасида ҳам фаол ҳамкорлик қилмоқда.

Ўзбекистон ҳукумати делегацияси яқинда Исломобод шаҳрига амалга оширган таширфининг самарали натижалари мамнуният билан қайд этилди. Ўзаро қелишувларга мувофиқ икки томонлама савдо ҳамжи ошириш борасида, қишлоқ хўжалиғи машинасозлиғи, тўқимачилик ва чарм саноатида янги имкониятлар ўрганилмоқда.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати суратлари.

ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ НАРХИ БАРҚАРОРЛИГИНИ САҚЛАШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 16 октябрь куни озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва ички бозорда нарх-наво барқарорлигини сақлаш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Озиқ-овқат маҳсулотларининг арзон ва етариллиги халқ розилигининг асосий омилларидан бири. Буни таъминлаш мақсадида сўнгги 3 йилда озиқ-овқат, қорвақчил, мева-сабзавотчилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантириш учун 28 триллион сўм кредит маблағлари ажратилди. Биргина қорвақчил йўналишида 11 триллион сўмлик лойиҳалар амалга оширилди.

Бундан ташқари, коронавирус пандемиясининг нарх-навога таъсири инобатга олиниб, жорий йил апрель ойидан бошлаб асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари импорти божхона тўловларидан озод қилинган.

Лекин шунга қарамай, охириги вақтларда гўшт, тухум, ўсимлик ёғи ва шаккар маҳсулотларининг нархи кескин ошди. Дунё бозорига ўтган 9 ойда ўсимлик ёғи 15 фоизга, Ўзбекистонда эса 26 фоизга ортган. Шаккар нархи 5 фоизга камайишига қарамастан, юртимизда 23 фоизга қимматлаган.

Йиғилишда ички бозорни озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш, нарх-наво барқарорлигини сақлаш масалалари атрофида муҳокама қилинди. — Бугундан бarchа чораларни қўриб, амалдаги тизимни ўзгартирмасак, эртага қиш ва баҳор ойларида қийин бўлади. Озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириб, бозордаги нарх-навога арзон қилсак, одамларни, айниқса, кам таъминланганларни рози қила оламиз, — деди Шавкат Мирзиёев. Ҳар бир вилоят, туман ва шаҳар

ҳокимида ҳудуд аҳолисининг кейинги йил майгача гўшт, тухум, ун, ёғ, шаккар, гурч, картошка, сабзи ва пивёзга бўлган эҳтиёжи, бу маҳсулотларни қачон, қердан олиш бўйича аниқ ҳисоб-китоб бўлиши кераклиги таъкидланди.

Ҳар бир ҳудудда озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича алоҳида жамғармалар ташкил этилиши белгиланди. Ҳудуд раҳбарлари тадбиркорларни жалб қилиб, етими-майдагн асосий озиқ-овқат маҳсулотларини жамғарма ҳисобидан бошқа жойдан олиб келиш ёки импорт қилишни йўлга қўйди. Бундай тадбиркорлар учун кредит фоизининг бир қисми Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасидан қоплаб берилади.

Импорт қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотлари нархини арзонлаштириш мақсадида йирик хорижий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳаллий биржадаги иштирокини кенгайтириш зарурлиги таъкидланди. Тошкент шаҳрининг ҳар бир туманига республиканинг муайян вилоятини бириктириб, қишлоқ хўжалиғи маҳсулотлари расталари ва дала дўконлари ташкил этиш муҳимлиги қайд этилди.

Вилоят, туман, шаҳар ҳокимлари ва сектор раҳбарлари ўз ҳудудида яратилган тизим, бозордаги шарт-шaroитлар ва нарх-наво бўйича халққа ҳисобот бериши зарурлиги айtilди.

Видеоселектор йиғилишида вилоятлар ҳокимлари аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан ойма-ой ўзлуксиз таъминлаш режалари юзасидан ҳисобот берди.

Ў.З.А.

ИЛМ-ФАН БАРЧА СОҲАЛАРНИ ФУНДАМЕНТАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН АСОС БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 16 октябрь куни пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек ва Юнусобод туманларида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва йирик лойиҳалар билан танишди.

Биринчи объект Мирзо Улуғбек туманидаги Геология фанлари университети бўлди. Давлатимиз раҳбари жорий йил 31 январь куни ушбу янги олий ўқув юрти қурилишига тамаал тоши қўйган эди. Бугунга келиб бинолар анча қад кўтариб қолди.

Лойиҳа доирасида 6 та кўп қаватли иморат барпо этилиши ва 4 таси реконструкция қилиниши кўзда тутилган. Ҳозирги биринчи босқинда ўқув корпуси, Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институти, Минерал ресурслар институти, Геология ва геофизика институти, Геология музейи бинолари, кутубхона, ётоқхона бунёд этилмоқда.

Президент бу ерга яна келиб, қурилиш ишлари ва режалар билан шахсан танишгани беҳиз эмас.

— Илм бизнинг қонимизда, генимизда бор. Бу марказ ҳам учинчи Ренессанс пойдеворларидан бири, — дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари жорий йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатномада ҳамда 31 январь куни илм-фан вакиллари билан учрашувда геология соҳасини ривожлантиришга доир долзарб вазифаларни белгилаб берган эди.

Мамлакатимизда фойдали қазилмаларнинг 70 дан зиёд тури бўйича 2 мингдан ортиқ конлар аниқланган. Лекин қазиб олиш ва қайта ишлаш осон бўлган конлар тобора камайиб бораётгани қайд этилган эди.

Янги конлар топиш учун ер қаърининг чуқурроқ қатламларини ўрганиш, мураккаб таркибли конларни ўзлаштириш бўйича соҳага илмий асосланган илгор усуллар ва инновацион технологияларни кенг

жорий қилишни замоннинг ўзи тақозо этаётгани таъкидланган эди.

Шу асосда мамлакатимизда янги геология тизими яратилмоқда. Президентимизнинг бу соҳага оид 4 та қарори қабул қилинди.

Жумладан, шу йил 8 июнь куни “Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тизимида Геология фанлари университети фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори имзоланди.

Мазкур университет геология соҳаси эҳтиёжлари учун зарур мутахассислар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ҳозирги замон талабларига тўлиқ мослаштириш, илм-фан ва амалиёт ўртасида узвий боғлиқлиқни таъминлаш, ер ҳақидаги фанлар, жумладан, уларнинг фундаментал йўналишлари ҳамда амалиёт ўртасида реал интеграциялашув жараёни учун шарт-шaroитлар яратиш, илмий ишланмаларни тикоратлаштиришнинг аниқ мезонлари ва самарали механизмларини жорий этишда муҳим аҳамият касб этди.

Янги Геология фанлари университети соҳадаги илмий муассасаларни жамлаган яхлит мажмуа бўлади. Унинг таркибига 4 та илмий-тадқиқот институти кирган. Илгари улар тарқоқ жойлашган эди. Шунингдек, бу ерга Геология музейи қўйиб келинади. Соҳадаги муассасалар бир жойда бўлиши мутахассисларнинг яқин ҳамкорликда ишлаши, талабаларнинг илмий лабораторияларда амалиёт ўташини таъминлайди. Бу эса биноларга хизмат кўрсатиш учун ҳам қўлай ва тежамкор.

Давлатимиз раҳбари шу ерда илмий-тадқиқот институтилари раҳбарлари билан суҳбатлашди.

— Илм-фан барча соҳаларни фундаментал ривожлантириш учун асос. Аввалдан эътибор берганимизда, геологиянинг ҳамма йўналишлари бўйича 15 — 20 фоиз аҳолини иш билан таъминлашимиз мумкин эди. Мана энди олимларга шароит яратишга ҳаракат қилиялмиз, интеллектуал мулкни асраб, қўллаб-қувватлаямиз. Интеллектуал мулк унинг эгасига ҳам, давлатга ҳам манфаат келтиради, — деди Президент.

Шавкат Мирзиёев ушбу даргоҳда яратиладиган шароитлар билан қизиқиб, қурилиш сифатли, лабораториялар юқори технологияли бўлиши кераклигини таъкидлади.

— Замин мустаҳкам бўлиши керак. Биз бу университетни келажақ учун қураялмиз, — деди давлатимиз раҳбари.

Шу ерда лойиҳанинг иккинчи босқичи тақдирот қилинди. Бу босқичда Давлат геология қўмитаси биноси, Геология ахборот маркази, Геоинновацион технологиялар маркази, автотүраргоҳ барпо этилиши режалаштирилган.

Президентимиз пойтахтимиздаги Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик паркида ҳам бўлди.

Мажмуа шоу-румида қурилиши бошланган бинолар, уларда бўладиган шaroитлар ҳақида маълумот берилди. Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги иختисослаштирилган мактабнинг ўқувчилари иштирокида яратилган дастурий маҳсулотлар намойиш этилди.

Давлатимиз раҳбари Қорақалпоғистоннинг Бўзотов туманидаги IT-марказда сабоқ олаётган бо-

лалар билан видеоконференцалоқа орқали мулоқот қилди.

Мутасаддиларга Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги мактаб билан ҳудудлардаги ахборот технология мактаблари интеграциясини таъминлаш, ёшларнинг замонавий технологияларга қизиқишини тўғри йўналтириб, етук мутахассислар этиб тайёрлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Галдаги бунёдкорлик ишларини бориши кўздан кечирилди. Мазкур замонавий мажмуа қурилиши ўтган йили 20 ноябрда бошланган эди. Бу ерда босқичма-босқич 17 та иморат, жумладан, 20 — 25 қаватли офис бинолари, 22 қаватли меҳмонхона, университет, конференция зали, қорворкинг маркази ва бошқа объектлар барпо этилади. Иншоотлар 9 балли зилзилага чидамли бўлади.

Ер остида 3 қаватли автотүраргоҳ қурилади. Мажмуа ҳудудида кафе ва рестороанлар, дўконлар, масжид, спорт майдонлари, дам олиш жойлари ҳам бўлади.

Ушбу IT-паркнинг дастлабки 2 та биноси фойдаланишга топширилган. Уларда энг замонавий қулайликлар яратилиб, истиқболли стартап лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш бўйича инкубация ва акселерация дастурлари ташкил этилган. IT-парк резидентлари сифатида рўйхатдан ўтган қорхоналар 2028 йил 1 январга қадар солиқлар ва божхона тўловларидан озод этилган.

Президент Шавкат Мирзиёев пойтахтимизнинг Юнусобод туманида барпо этилаётган Тошкент Архитектура-қурилиш институтининг янги биносини бориб кўрди.

Қурилиш ишлари жорий йил

(Давоми 2-бетда).



«Халк сўзи».

[illegible]

КЎҲНА ВА НАВҚИРОН КЕНТНИНГ ШУКУҲЛИ БАЙРАМИ

Самарқанд шаҳри Ўзбекистон Республикасининг йирик, маъмурий-сиёсий, илмий, ўқув ва маданият маркази ҳисобланиб, 2001 йилда шаҳарнинг тарихий маркази ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатиغا киритилган.

Бугунги кунда Самарқанд шаҳрининг 2040 йилгача бўлган даврга мўлжалланган бош режаси ишлаб чиқилиб, уни тасдиқлаш тўғрисидаги қарор лойиҳаси ҳукуматга тақдим этилган. Бош режанинг асосий кўрсаткичлари Самарқанд маҳаллий тизимини туристик, маъмурий-ҳўжалик, илмий, маданий ва саноат маркази жиҳатидан янада ривожлантиришни ҳамда шаҳар худудини кенгайтиришни кўзда тутати.



18 октябрь — Самарқанд шаҳри куни

Пировардида Самарқандни мегаполис шаҳарга айлантириш мақсадида дастлабки ҳисоб-китоблар амалга оширилди. Бугунги кунда 209 маҳаллада 548,3 минг киши истиқомат қилаётган шаҳар майдони 12,4 минг гектарни ташкил этади ва 4 та туман билан чегарадош. Шаҳар худудини кенгайтириш мақсадида Самарқанд туманидан 15,1 минг гектар ер майдони ҳамда 68 та маҳаллада яшовчи 232,3 минг нафар аҳоли қўшилиши режалаштирилган. Пастдарғом туманидан эса 19,4 минг нафар аҳоли яшайдиган 8 та маҳалланинг 2 минг 137 гектар ер майдони кўҳна кент худудига айланиши мумкин.

Шунингдек, ишчи гуруҳ Оқдарё туманидан 1 минг 448 гектар майдонни эгаллаган 9,2 минг нафар аҳоли мавжуд иккита маҳаллани ҳам Самарқанд шаҳрига қўшиш тақлифини берган. Тайлоқ туманидаги 7 та маҳалла вилоят маркази худудига ўтиши кўзда тутилган. Бу билан Самарқанд шаҳри 1 минг 305 гектар ер майдони ва 11,2 минг нафар аҳоли ҳисобига кенгайди.

Мазкур тақлифлар амалга ошса, Самарқанд шаҳри аҳолиси 820,4 минг, майдони эса 32,4 минг гектарни ташкил этади.

Бундан ташқари, талабалар, туманлардан келиб пропискаси эшайдиганлар ва ишлайдиганларни инобатга олганда шаҳар аҳолиси 1 миллион кишидан ошад.

Осмонга бўйлаётган гўша

Бугунги кунда бу қадим шаҳарда кенг қўламдаги бунёдкорлик ишлари — осмонўпар уйлар, кенг ва раван йўллар қурилиш, ободонлаштириш ҳамда муҳандислик-коммуникация тармоқларини реконструкция ва модернизациялаш ишлари олиб борилмоқда.

2020 йилги Давлат дастури доирасида шаҳарда 3 та 16 қаватли, 5 та 7 қаватли, 47 та 12 — 16 қаватли уй-жойлар барпо этилмоқда. Бу билан иил якунига қадар 4856 та хонадонли уй-

жойларни қуриб, фойдаланишга топширишга эришилади. Бундан ташқари, хусусий секторлар томонидан ҳам яна 76 та кўп хонадонли тураржой биноси қад кўтарилди.

Самарқанд шаҳрининг “Қорасув” масивы худудига қурилиш ишлари лойиҳалаштириш билан параллел равишда олиб борилмоқда. Худудда 2018-2019 йилларда аҳоли учун жами 87 та кўп қаватли уй-жой қад ростлади. Шунингдек, давлат-хусусий шериклик шартлари асосида 235 ўринли мактабгача таълим муассасаси, миллия таянч пункти, маҳалла маркази биноси, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш масканлари ҳамда мактаб қурилиб, фойдаланишга топширилган.

Туризм инфратузилмаси: янги гоёлар, янги йўналишлар

Туризм соҳаси коронавирус пандемиясининг салбий таъсири оқибатида энг кўп зарар қўрган ва қўраётган соҳалардан бири бўлди. Ушбу вазият тўғрисида Самарқанд шаҳрига таъширф буюрувчи туристлар сони кескин камайди. Лекин шунга қарамаздан тадбиркорларнинг эртанги кунга бўлган ишончи ҳамда саъй-ҳаракатлари билан жорий йилнинг биринчи ярим илгилгида 24 та туристик лойиҳа ишга туширилди.

Ҳозирги кунда пандемия шароитида шаҳарда туризм инфратузилмасини ривожлантириш, янги туристик объектлар барпо этиш, сайёҳлар учун қўшимча қулайликлар яратиш, энг асосийси, янги иш ўринларини очиб бўйича бир қатор амалий ишлар олиб борилмоқда.

Хусусан, 2020-2021 йилларда туризм соҳасида 55 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилиб, икки мингга яқин иш ўринлари яратилиши режалаштирилган. 2020 йилда эса 34 та лойиҳани ишга тушириш орқали 732 нафар фўқаронинг бандлиги таъминланади.

Самарқанд шаҳридаги Орзу

Маҳмудов, Ислон Каримов, Алишер Навоий ва Пушкин кўчалари ҳамда Университет хиёбонини янги туризм йўналишларига айлантириш бўйича лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

18 октябрь — Самарқанд шаҳри куни муносабати билан Орзу Маҳмудов кўчасида ташкил этилган гастрономик туризм кўчаси тантанали равишда очилди. Мазкур кўча нафақат Самарқанд шаҳрида, балки мамлакатимиздаги биринчи гастрономик “Бродвей” сифатида ном чиқаришига умид қиламиз. Бу ерда қаҳвахоналар, пиццериялар, шунингдек, турли хил ресторонлар очилмоқда. Ушбу кўча бўйлаб саёҳат қилган меҳмонлар бетакрор муҳитга шўнғиб, дунёнинг турли мамлакатлари таомларидан татиб қўришлари мумкин бўлади. Келгусида гастрономик туризм кўчасида турли фестиваллар ўтказиш, бу ерга мусиқачилар ва расомларни жалб қилиш ҳам режалаштирилган.

Самарқанднинг сайёҳлик салоҳиятини оммалаштириш мақсадида шу кунларда Туристтик марказ қурилиши билан бир қаторда, шаҳарнинг Нарпай кўчасида “Family Park” инновацион боғини барпо этиш ишлари амалга оширилмоқда. Парк худудига муз саройи, кўп функционал савдо-кўнғилочар, оилавий дам олиш ва спорт-соғломлаштириш мажмуаси, океанариум ҳамда бошқа кўнғилочар масканлар фаолият юритади.

Инновацион боғнинг иш бошлаши 150 дан зиёд янги иш ўринлари яратиш имконини беради. Лойиҳа бўйича ишлар 2021 йилда якунланиши белгиланган. Ушбу “Оилавий парк” нафақат маҳаллий аҳоли, балки шаҳарга келаётган хорижий сайёҳлар учун ҳам қулай дам олиш масканига айланади.

Давлат хизматлари: тез, қулай ва шаффоф

Аҳолининг давлат хизматлариға бўлган эҳтиёжини қаноатлантириш мақсадида эндиликда шаҳар Давлат хиз-

матлари маркази ходимлари янги ва замонавий бинода аҳолиға хизмат кўрсата бошлайди.

Шаҳар аҳолиси бошқа туман (шаҳар)ларға нисбатан кўпчилигини инобатга олсак, шу пайтга қадар марказга таширф буюрувчи фўқароларни қабул қилишда айрим ноқулайликлар юзга келаётган эди. Айнан шу муаммоларни бартараф этиш ҳамда шаҳар Давлат хизматлари марказининг фаолиятини кенгайтириш, кўрсатилаётган хизматлар сифатини тақомиллаштириш мақсадида Амир Темур кўчасида ушбу идоранинг муҳташам биноси қад ростлади. Кўп қаватли аҳоли тураржой биносининг биринчи ва иккинчи қаватидан ўрин олган марказ биноси давлат-хусусий шериклиги асосида бунёд этилди.

Замонавий дизайн, энг илғор ахборот технологиялари воситалари билан жиҳозланган ушбу шинам масканда таширф буюрувчиларға кенг ва ёруғ, шинам хоналарда хизмат кўрсатилади. Бу ерда муружатчиларнинг фарзандлари учун ҳам қулайликлар яратилган бўлиб, болалар ўйин майдончаси, тиббиёт хонаси мавжуд. Шунингдек, бинода тадбиркорлар учун Бош вазир қабулхонаси, фўқаролик ҳолати далолатномалари ёзиш бўлими, кутубхона, нотариал хизмат хоналари ташкил этилган.

Байрам муносабати билан Самарқанд вилояти ахборот-кутубхона маркази ҳамда “Ипак йўли” халқаро туризм университетининг реконструкциядан чиққан бинолари ҳам талабалар ва китобхонларға ўз зисгини очди.

Шунингдек, кўҳна ва навқирон кентда байрамни пандемия қоидаларига амал қилинган ҳолда кўтаринки руҳда ўтказиш мақсадида қатор тадбирлар ҳам ташкил этилади. Хусусан, шаҳарнинг марказий майдонлари, маданият ҳамда истироҳат боғларида концертлар, Регистон майдонида 3D-маппинг шоуиси намоийши бўлиб ўтади. Шаҳарнинг Марказий боғида, Ёшлар маркази биноси ёнида миллий таомлар фестивали ўтказилади. Шу кўни шаҳардаги тарихий обидалар ва давлат музейлариға кириш текин бўлади.

Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ
(«Халқ сўзи»).

Қулайлик

Янги лойиҳа боғча қишлоғи аҳлини мамнун этди

Бугунги ҳаётимизни интернет, алоқа ва телекоммуникация тармоқларисиз тасаввур этиш қийин. Айни жараёнда юртимиздаги уяли алоқа операторларининг фаолияти аҳоли учун катта қулайликлар яратмоқда. Жумладан, Ўзбекистондаги йирик уяли алоқа операторларидан бири — “Coscom” масъулияти чекланган жамияти 2008 йилдан буён “Ucell” савдо белгиси остида мунтазам равишда тармоқ қамровини кенгайтириб, янги хизмат турларини йўлга келмоқда.

Абонентларға қулайлик яратиш учун янги тариф режалари жорий этиляпти. Ҳозир болалар учун ҳам, интернетдан фаол фойдаланувчилар ва кўпроқ мулоқот қилувчилар учун ҳам қулай тарифлар мавжуд. 2019 йилдан буён “Ucell” алоқа оператори Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб 5G тармоғини кенгайтириш бўйича ўз лойиҳасини амалга оширишга киришди. Бу каби саъй-ҳаракатлар абонентлар сони ортишиға сабаб бўлаётир. Энди, ҳатто Тошкент метрополитени бекатларида ҳам мазкур компания алоқа хизматида фойдаланиш имконияти мавжуд.

Яқинда жамият томонидан Сариосиё туманидаги Боғча қишлоғида салкам 3000 метр баландлиқда “Ucell”нинг таънч (базавий) станцияси ўрнатилиши билан ҳам 4G уяли алоқа хизмати йўлга қўйилди.

Таъкидлаш жоизки, “Coscom” МЧЖға ҳар кўни мамлакатимизнинг турли худудларидан мурожаат ва сўровлар келиб тушади. Компания мутахассислари шу асосда уяли алоқа муаммоларини аниқлайди ҳамда ҳал қилади. Янги станция ҳам худди шундай мурожаат асосида ташкил этилди. Гап шундаки, ўтган йилнинг октябр ойида компанияға Сурхондарё вилоятининг Сариосиё туманидаги “Боғча” қишлоқ фўқаролар йиғинида яшовчи аҳоли томонидан уяли алоқа ва интернетдан фойдаланиш имкониятини яратиб бериш бўйича сўров келиб тушган эди. Ушбу муаммо жойига чиқиб ўрганилиб, ижобий ҳал қилинди.

— Биргина Сурхондарё вилоятида “Ucell”нинг абонентлари 325 мингдан зиёдни ташкил этади, — дейди “Ucell-Термиз” минтақавий офиси директори Бобур Ҳасанов. — Вилоят

худудида 183 та дилерлик маркази мавжуд, улардан 42 таси “Ucell”нинг монофисларидир. Фаолиятимиз давомида нафақат шаҳар ва туманлар маркази, балки олис, бориш қийин бўлган тоғли ҳамда чўл худудларида ҳам таънч базавий станцияларни ўрнатиб, аҳолиға сифатли ва замонавий хизматлар тақлиф этиямиз. Савдо ҳамда турли хизмат кўрсатиш шохобчалари, айниқса, туристик зоналарни қамраб олишға, миждозларимизға қулай тариф ва замонавий мобиль хизматларни кўрсатишға астойдил ҳаракат қиялмиз.

Боғча қишлоғи баланд тоғли худудда жойлашган. Айтиш керак, тоғ этакларида, водий ва доволларда алоқа билан таъминлаш мураккаб жараён. Чўнки худуднинг мураккаб паст-баландликлари сигнал узатишға тўсқинлик қилади. Шунинг учун мазкур худудда таънч станцияни ўрнатишдан олдин батафсил тадқиқот ишлари олиб борилди. Техниклар 4G таънч станциясини ўрнатиш учун 2850 метр баландлиқда қулай жой топишди. Амалий ҳаракатлар тўғрисида вилоят марказидан қарий 300 км., туман марказидан эса 90 км. узоқликдаги бориш қийин бўлган тоғли қишлоқда эндиликда фақат “Ucell” уяли алоқа оператори хизматида фойдаланиш имконияти яратилди.

ТЕРМИЗДА 1200 ТУП ДАРАХТ АКЦИЯСИ

“Coscom” МЧЖ раҳбарияти ташаббуси билан “Термиз шаҳрига 1200 туп дарахт” акцияси ҳам ўтказилди. Термиз шаҳар ҳокимлиги кўмағида амалга оширилган ушбу экологик акция тадбирида компаниянинг Тошкент шаҳридаги бош офисидан вакиллар ҳамда “Ucell-Термиз” минтақавий филиали ходимлари иштирок этди.



Бундай кенг қўламли экологик акция “Ucell” томонидан илк мартаба ўтказилмоқда. Бунинг учун Сурхондарё илмий-амалий станцияси агрономлари ва ландшафт дизайни бўйича мутахассислар билан маслаҳатлашган ҳолда, Термизнинг иқлими, тупроғи ҳамда табиий шароитиға мос дарахт турлари танлаб олинди.

Шу ўринда айтиш керакки, пайғамбаримиз расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам умматларини қўнат экишға, экин-тикин қилишға тарғиб этганлар. “Агар қиёмат қоим бўлишни бошласа-у, бирингизнинг қўлида ниҳол бўлса, уни экин”, дейилди муборак ҳадисларнинг бирида. Соҳибқирон бобомиз “Темур тузуқлари”да авлодларига: “Бир дарахт кессам, ўрниға ўн икки дарахт эқдим...” деб, жуда чиройли ўрнат қолдирган.

“Ucell” компанияси дарахт экиш акциясини мана шу эзгу гоя ва қадриятлар асосида амалга ошириб, мамлакатимизнинг жанубдаги гавҳарига айланаётган Термиз шаҳрини ободонлаштириш ҳамда қўқаламзорлаштиришға ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди.

— Термиз шаҳридаги Санъат саройи, Хотира ва Қадрлаш майдони ҳамда Алпомиш ҳайкали

«Халқ сўзи».

ЭЪЛОНЛАР

Аукцион савдолари хабарномаси

«KO'SHMAS MULK FINANS INVEST» МЧЖ

мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади.

Ўзбекистон Республикаси «G'ALLA ALTEG» акциядорлик жамиятининг буюртмасига асосан, жамият ҳисобидаги Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Обишор кўчаси, 124-уйда жойлашган ер участкасининг умумий майдони 100 785,0 кв. метрдан иборат бўлган омборхона бино-иншоотлари такроран савдога чиқарилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 60 798 125 000 (олтмиш миллиард етти юз тўқсон саккиз миллион бир юз йигирма беш минг) сўм.

Талабгорлар диққатига!

Аукцион савдолари 2020 йилнинг 19 октябридан 30 октябригача қадар соат 12.00 дан бошлаб ўтказилади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманомалар аукцион ташкилотчиси томонидан расмий иш кўнлари (байрам ва дам олиш кўнларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

Аукцион савдоларида қатнашиш истағида бўлган талабгорлар аукцион ташкилотчиси билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 5,0 фоизи миқдоридаги закалат пулини тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, ИНН (СТИР) нусхаси, ҳуқуқий шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси, раҳбарнинг паспорт нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Аукцион савдоси голибига 10 банк иш куни муддатида олди-сотди шартномасини тўлиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулк учун тўловларни тўлаш муддати ҳамда қўшимча шартлар олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Закалат тўлови учун реквизитлар: «KO'SHMAS MULK FINANS INVEST» МЧЖ, х/р: 20208000900759233001, «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ Тошкент шаҳар минтақавий филиали, МФО: 00452, СТИР: 304815549.

Аукцион савдоларига қўйилган мулк билан талабгор жамият ходими ёки аукцион ташкилотчиси ходими иштирокида жойига чиқиб танишиши мумкин.

Буюртманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил ва телефон:

Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Геофизика кўргони, тел.: 98-100-55-38. E-mail: kmfiauksion@mail.ru.

Хизматлар лицензияланган.

DOOSAN

«TOW Co., Ltd» қўшма корхонаси

максус қурилиш техникаларини таклиф қилади.

www.uztow.com

«Universal Services of Central Asia»

хорижий корхонаси эҳтиёт қисмлар таъминоти ва сервис хизматларини кўрсатади.

Манзил: 100099, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Чинобод кўчаси, 87-уй. Тел.: 71-200-00-27 /28. E-mail: doosansales@uztow.com

Махсуслотлар сертификатланган.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,

Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1056. 30 737 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Ўфсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни оқиб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилин

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-233-52-55;

Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-6784

Манзил: 100099, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Чинобод кўчаси, 87-уй. Тел.: 71-200-00-27 /28. E-mail: doosansales@uztow.com

Махсуслотлар сертификатланган.

ТАХРИРИЯТГА КЕЛГАН ҚЎЁЗМАЛАР ТАҚРИЗ ҚИЛИНМАЙДИ ВА МУАЛЛИФГА ҚАЙТАРМАЙДИ.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида термиди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,

Тошкент шаҳри,

Матбуготчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Каримов.

Мусаҳҳиҳ — Ш. Машираббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.30 Топширилди — 01.50

1 2 3 4 5 6